

**ИЗЗАТ ВА КУЧ-ҚУДРАТ  
АЛЛОҲНИКИДИР**

## **Улардан қўрқманг!**

Аллоҳ таолонинг китобида бир оят борки, у таҳликали кезларда мўминларни юпатади, уларга йўлланма кўрсатади ва шу билан бирга у оят иймонни ўлчайдиган меъёр ҳам ҳисобланади. Аллоҳ таоло деди:

**"Албатта, ўша Шайтон сизларни ўз дўстларидан қўрқитади. Агар мўъмин бўлсангизлар улардан қўрқмангиз, Мендан қўрқингиз!".** (Оли Имрон сураси, 175-оят).

Ояти каримадан шуни уқамизки, Шайтон бизларни ўз дўстларидан қўрқитмоқчи бўлар экан. Шайтоннинг дўстлари яҳудийлар, насронийлар, кофирлар, мунофиклар ва залолат аҳллариридир. Аллоҳ таоло: "**Улардан қўрқмангиз!..**" деди. Бу қатъий таъқиқ улардан қўрқиш ҳаром эканини кўрсатади. Негаки, Аллоҳ таоло "**Улардан қўрқмангиз, Мендан қўрқингиз!**" деб, иккита қўрқувни бир-бирига муқобил тарзда келтириди. Аллоҳдан қўрқиш фарзdir. Бунинг акси эса маҳлуқдан қўрқишидир. Демак маҳлуқдан қўрқиш ҳаром бўлади. Инсоннинг қалби идишга ўхшайди: агар у Аллоҳнинг қўрқуви билан тўлса, ундан маҳлуқнинг қўрқуви чиқиб кетади. Бордию у Аллоҳнинг қўрқувидан холи бўлса, инсон ҳамма нарсадан қўрқадиган бўлиб қолади. У нафақат Шайтон ва унинг дўстларидан, балки ҳар қандай нарсадан, юлдузлару ёмғирлар, шамоллару денгизлардан қўрқувда бўлади. Шу боисдан мушриклар турли "илоҳ"ларга, қуёш, ой, денгиз, осмон ва юлдузларга ибодат қилишарди. Улар

ниманың үчүн бу нарсаларга ибодат қилишган? Негаки, үлар Аллох таолодан әмас, мана шу нарсалардан құрқишиш әди. Юкоридаги оята Аллох таоло "Агар мүмин бўлсангизлар..." деди. Ушбу лафз ҳақиқий мүмин бўлиш үчун Аллох таолодан құрқишиш ва маҳлуқлардан қўрқмайдиган бўлиш шарт эканлигини билдиради.

Бүгунги кунда Ислом душманлари мусулмонларнинг қалбларига қўрқув солиш борасида анча илгарилаб кетишган. Мисол юзасидан айтадиган бўлсак, одамларни хавотирга солиш үчун маҳсус хизматлар иш олиб боради. Шунингдек, радио, телевидение, китоб, газета, журнал, аудио ва видео кассеталар сингари ахборот тарқатиш воситалари ишга солинади. Бу воситалар инсонда саросима үйғотиб, уни ҳар қандай ишни бажаришдан тўхтатиб қолишида жуда қўл келади. Масалан, сиз жаҳондаги ҳар қандай кутубхонага кирсангиз, юзлаб, балки минглаб детектив китобларни топасиз. Уларнинг баъзилари хабарлар, баъзилари таҳлил, баъзилари мақолалар яна баъзилари эсдаликлардан иборат. Бундан ташқари, ушбу жанрда ишланган фильм, пьеса ва суратлар ҳам сон-саноқсиз топилади.

Бу каби нарсаларнинг салмоқли қисми үйдирмадан иборат бўлиб, бунинг ортидан одамлар орасида саросима уруғини сочиш кўзланган бўлади. Чунки үлар инсонни бир иш қилишидан олдин тўхтатиб колиш муваффақиятдир, деб айтишади. Яъни үлар одамларга ҳадик солиш тамойили асосида иш юритишади. Ҳатто талайгина одамлар қаттиқ юрак олдириб қўйғанларидан уларнинг

## Иzzat va kүч-күдрат аллоҳникидир

күз ўнгидә шарпалар ўйнаб юради: Тccc... деворнинг ҳам қулоғи бор!..

Баъзи бировларга эса худди уйларида махфий қузатиш ёки эшитиш мосламаси бордек туюлаверади. Гүёки унинг ҳамма ҳатти-ҳаракатлари ҳисобга олиниб, ҳар бир гапи ёзилиб боради, ўзи ҳам уйқусидау үйғоқлигига қозатувдан қочиб қутулолмайди. Биз айтамизки: буларнинг ҳаммаси түғри. Лекин бундай қўрқув кимдан бўлиши керак? Аллоҳдан! Аллоҳ таоло айтади:

**"У бирор сўзни талаффуз қилса, албатта унинг олдида ҳозиру нозир бўлган бир қузатувчи (сўзни ёзиб оловчи фаришта) бордир".** (Қоф сураси, 18-оят).

**"Ҳар бир жон устида унинг амалларини ёд оловчи (фаришта) бордир".** (Ториқ сураси, 4-оят).

**"Албатта сизларнинг устингизда ҳар бир ишингизни ёд оловчилар бор. Улар ёзувчи үлуғ зотлардир. Улар сизлар қилаётган ишларни билурлар".** (Инфитор сураси, 10-11-12-оятлар).

Бу оятларда зикр қилинган қузатувчилар малоикалар бўлиб, Аллоҳ уларга инсонни ҳамиша қузатиш ва ишларини ёзиб бориш имкониятини берган.

Шуниси қизиқки, айрим кимсалар ёзувчи фаришталарни менсимайдилар, ҳозиру нозир бўлиб турган Рақибу Атийд

фариштани писанд этмайдилар, икки малоика ёзиб борадиган саҳифаларга лоқайд бўладилар ва буларнинг ҳаммасидан ғофил қоладилару, ҳамма аҳамиятларини маҳлуқларга қаратадилар, улардан зир титрайдилар. Ҳолбуки, маҳлуқлар қалбда нималар борлигини билолмайдилар.

Кўпинча шундай бўладики, омма одамлар биладиган талайгина маълумотлардан ўша маълумотларни билишни истаган ва билишга интилганлар бехабар қолишади. Инсон заифлик, нуқсон ва ғафлатдан иборатдир. Шу боисдан гоҳида сиз душманингизни катта даражага кўтариб, дилингизда унга нисбатан кучли қўрқувни экиб қўйишингиз билан ўзингиз билмаган ҳолда унга хизмат қилиб қўясиз. Эй биродарлар, бундай қўрқув мусулмонларнинг энг оғир кишани бўлади. Мусулмонлардан баъзи бир одам дини учун ҳеч вақо қолишга қодир эмас. Нега? Чунки у ваҳима, шубҳа ва гумонлардан талмовсираб юради.

Субҳаналлоҳ!.. Қанийди, шу қўрқинчинг танҳо ва олий Парвардигоримииздан ёки ўнг ва сўл томонларингда юрган фаришталарнинг кузатишидан бўлганидайди. Ана шунда сен гуноҳу маъсиятлардан ажралиб, ошкор ва пинҳона ҳолатларингда улардан тийилган бўлардинг. Аммо маҳлуқлардан бу даражада қўрқишинг тавҳидга жиддий хавф солади. Чунки у сени эзгу амал ва тоату ибодатлардан тўхтатиб, номусулмон ва фосиқ кимсаларга ўхшатиб қўйди. Сен у туфайли иймон сиймосидан воз кечдинг, илмнинг баҳридан ўтдинг ва одамлар ўртасида амал қолишни

## Иzzat va күч-күдрат аллоҳникидир

тарк этиб кетдинг. Сенинг бор шаштингни сўндириб, дамингни ичингга тушириб юборган нарса ҚЎРҚУВ бўлади. Нимадан чўйийсан?! Қани сенда мўминларнинг вазминлиги, осойишталиги?!

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам Маккадан Мадинага ҳижрат қилганларида пинҳоний суратда йўлга чиққан эдилар. У зот душманлар қўлига тушиб қолмаслик учун ҳамроҳлари билан пана-пастқам жойлардан ўтиб, торгина ғорда паноҳ топиб ўтирганларида ҳамманинг оғзида у кишининг исмлари такрорланарди. Маккаликлар учун уларнинг бошлари керак эди. Ҳаттоқи улар Мұхаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламни тирик ёки ўлик ҳолда келтирган кимсанинг мукофотига юзта тuya, балки бундан-да кўпроқ нарсаларни ваъда қилдилар. Аллоҳнинг душманлари Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламни йўқ қилиш учун бор имкониятларини сафарбар қилдилар. Аммо у зот эса ҳамроҳларига қараб: "**Қайғурма! Албатта Аллоҳ биз билан бирга!**" дер эдилар. (Тавба сураси, 40-оят). У зотнинг довюракликлари, Аллоҳдан бўлган қаттиқ қўрқинчлари-ю маҳлуқлардан чўчимасликларига қаранг. Улар бу сўзларни ҳамма ёқнинг тит-питини чиқарган душманлари ғор оғзига етиб келган дақиқада айтган эдилар. Эй дўстлар, эътибор бердингизми, у киши: "**Қўрқма! Албатта Аллоҳ биз билан бирга!**" деганлари йўқ, балки: "**Қайғурма! Албатта Аллоҳ биз билан бирга!**" деб айтдилар.

Хатто Абу Бакр ҳам ўзлари учун қўрқувга тушган эмасдилар, балки бу қавмнинг шунчалик тубан кетганидан хафа бўлиб, Аллоҳнинг даъвати ва Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам учун кайғуга ботган эдилар. Шу боисдан Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам у кишини "**Қайғурма!..**" деб юпатдилар. Бу Аллоҳ таолонинг ўз элчиси ва мўъминларга туширадиган осоийшталигидир.

Бадр ва Ҳунайн жангларида мўъминлар учун ёппасига осоийшталик тушган эди. Аллоҳ ularга осоийшталиkn туширган маҳалда ўлим яққол кўз ўнгларида турган, бошлар узилиб, ерга думалаб тушаётганини аниқ кўриб турар эдилар. Улар қалбларидағи кучли иймон, Аллоҳга бўлган қаттиқ таваккул ва мустаҳкам ишонч туфайли бу ҳолатдан эсанкираб қолмадилар ва чўчиб кетмадилар.

Имом Муслим ривоят қилган ҳадисда айтиладики, кофирлар мўминларни диндан қайтариш учун чуқурлар кавлаб, у ерни ўтинлар билан тўлдириб, оловлар ёқдилар. Кейин иймон келтирғанларни ўша ерга олиб келдилар. Кимки иймонидан воз кечмаса, ўрага улоқтирдилар. Бир аёл эмизикли гўдаги билан оловли чоҳ оғзиға олиб келинди. У аёл гўшtlар куйиб, оловда пишаётганини кўриб турар, бўнинг ўтқир ҳиди шундоққина димоғига гупиллаб уриларди. У ҳозиргина тирик бўлган тананинг қоп-қора кўмирга айланишини кўриб турса ҳам ортга чекинмади. Иймон қуввати билан олга босди, Аллоҳ унинг қалбига солган осоийшталик билан ўзини тутиб қолди ва ўша ерда шаҳид бўлди.

## Иzzat va күч-күдрат аллоҳникидир

Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламдан келган саҳиҳ ривоятга кўра, шаҳид ўлим оғриғидан фақатгина бир нарсанинг чақиши оғриғини (нари борса чаён чаққанидек оғриқни) сезади, холос. Буни қарангки, Аллоҳ таоло сиздан дастлабки қадамни талаб этиб, Ўз ҳузуридан тавфиқ бериши ва қўллаб туришини ваъда қилди. Дастлабки дадиллигингизга мукофот ўлароқ, қалбингизга хотиржамлик ва осойишталик солишини билдириди. Бу нарса тарих давомидаги барча ислоҳчи кишилар ва мўъминларда бўлиб келган.

Ибн Қайим раҳимаҳуллоҳ устозлари Имом Ибн Таймияни сифатлаб, бундай деган эдилар:

*"У зот ўзларини босиб олган киши эдилар. Ҳавф-хатарлар кучайиб, дилларимиз ларзага тушган ҳолларимиздан ҳузурларига келар эдик. У кишини кўрадигу, дилларимиздан хавотирлар йўқолиб, тарқаб кетарди. Қачонки сўзласалар, қалбларимизга иймон, ишонч ва таваккул биносини қуриб қўярдилар".*

Субҳаналлоҳ! Шундай бир арзимас, майда-чуйда ишлар борки, юраксиз одамлар наздида ўсиб, каттакон тоғдек бўлиб қолади. Яна шундай кўпчилик наздида улкан ва буюк ишлар борки, иймон аҳли наздида кичрайиб, ҳеч нарсадек бўлиб қолади. Шоир айтганидек:

Машаққатлар қатъият ахлининг даражасига лойиқ рawiшда келади,

Олийжаноб кишилар даражасига қараб олиймақом ишлар келади.

Майда одамлар учун ишларнинг майдаси улкан туюлади, Буюклар учун эса улкан ишлар ҳам майдадек туюлади.

Буюк инсон кўзига катта ишлар ҳам кичик кўринаверади, боиси, у уларни босиб ўтади. Масалан, Аллоҳ йўлида шаҳид бўлиш йўлини танлаган мўмин киши учун бирорвнинг уни сўkkани, масхара қилгани, дўйқ-пўписа қилгани, ургани, тазийқ ўтказгани, бойлигини тортиб олгани, мансабидан тушириб, унвонларини олиб қўйганининг нима қўрқинчли жойи бор? Модомики, у Аллоҳ йўлида шаҳид бўлиш пайига тушган экан, бундан берироқдаги ишларнинг ҳаммаси унинг учун чакана ва енгил-елпи ишлар бўлиб қолади. У агар лозим бўлиб қолса, осонликча бор давлатининг баҳридан ўтади-қўяди.

Бугунги кундаги мусулмонларни ваҳималар адойи тамом қилиб, рамақижон қилиб қўйган. Мусулмон кишида шахсий қувват: иймон қуввати, Аллоҳга ишонч қуввати, сўнгра ўзига ишонч қуввати, тўғри йўл тутаётганини аниқ билиш, ўзининг нусрат қозонишидан кўнгли тўқ бўлиш ва Аллоҳнинг ваъдасига инониш деган нарсалар топилмай қолди.

Агар инсон ҳамиша касалликка йўлиқишдан чўчиб яшайдиган бўлса, шунинг ўзи касаллик эмасми? Ҳа, бу - касаллик. Эҳтимол бу

## Иzzat va күч-күдрат аллоҳникидир

- давосиз бир касаллик. Унинг давоси фақатгина Аллоҳга иймон ва Унга таваккул қилишдир. Чунки бу даволаб бўладиган бадан касаллиги эмас, ваҳимаю гумонлардан иборат руҳий касаллиқдир. Шунинг учун маъноси тўғри бўлган бир афсонада айтиладики, бир киши вабо касаллигининг бир шаҳарга қараб кетаётганини кўриб қолибди ва ундан: "Қаерга кетаяпсан?" деб сўрабди. У: "Фалон шаҳарга беш минг одамни ўлдириш учун кетаяпман", деб жавоб берибди. Шундан сўнг бу одамга ўша жойда эллик минг кишининг ўлгани ҳақида хабар келади. Кейин у вабони ўша жойдан қайтаётган ҳолда учратади. "Қаердан келаяпсан?" деб сўрайди ундан. Вабо: "Фалон жойдан келаяпман, у ерда беш минг одамни ўлдирдим", деб жавоб беради. Киши унга: "Сен эллик минг одамни ўлдирдинг!" деб айтади. Шунда вабо: "Йўқ, мен беш минг одамни ўлдирдим. Қолганлари ваҳимадан қирилиб кетишди", деб айтган экан.

*Кўрдингизми, ваҳима бу - қотил. Душманлар мусулмонлар руҳиятидаги мана шу нозик нуқтани илгаб, ундан усталик билан фойдаланмоқчи бўлишаяпти.*

Гоҳида дин душманларининг имкониятлари ва уддабуронликлари ҳақида ҳаддан ортиқ бўрттирилган хабарлар қулоқقا чалинади. Эмишки, душманлар ҳамма ёқقا айғоқчи қўйиб ташлашган, шунинг учун бирорни даъват қилмаслик керак, ҳечам масжидларга кирмаслик керак, чунки буни маҳалла посбонлари кўриб қолиши мумкин. Яна эмишки, "қулоқ"лар ҳамма жамоатларни "ишғол" этишган, ҳар битта жамоат қачон

ташкил топган, уни ким бошқаради, нималардан дарс беради, кимлар иштирок этади, йиғилишлар қаерда бўлади, буларнинг ҳаммаси маҳфий хизматларга беш қўлдай маълум, фақат улар арқонни узун ташлаб қўйишган. Сизнинг қачон ва қаерда туғилганингиз, қаерларда ўқиб, кимлардан дарс олганингиз, нечта жойда ишлаганингиз, қандай касалликлар билан оғриганингиз, қачон машина олгансизу, қачон уй алмаштирганингизни ҳам қўз юмиб туриб айтиб беришади. Сал бўлмаса, улар сизнинг ҳозир нималарни ўйлаётганингизу, қачон ва қаерда вафот этишингизни ҳам билиб қолай дейишади. Улар шундай моҳир, шундай устомонки, манаман деган эҳтиёткор ва тақводор ҳам уларнинг қўлига тушганидан кейин эшилиб қолади. Уларнинг ҳар биттаси шундай ўткир психологки, энг оғзига маҳкам одам ҳам уларга қандай тилини бериб қўйганини билмай қолади. Уларнинг шундай аппарат ва уколлари борки, энг "соқов" одамни ҳам "сайратиб" юборади...

Тўғри, уларда қувват ва тажриба йўқ эмас, лекин бунчалик фантастик ва афсонавий даражада эмас-да! Ҳолбуки, уларнинг ўзаро адоват, гурухбозлик, мансаб талашиш, зимдан кураш каби нозик томонлари борки, буларни кўрсатмасликка ҳаракат қилишади. Аллоҳ таоло яхудий ва мунофиқлар ҳақида айтган:

**"Сиз уларни бир деб ҳисоблайсизу, аммо диллари хилмахилдир. Бунга сабаб уларнинг ақлсиз қавм эканликлариидир".** (Ҳашр сураси, 14-оят).

## Иzzat va күч-күдрат аллоҳникидир

Айрим биродарлар мусулмонлар анқовсираган, содда, гүл бўлиб қолмасинлар деган яхши ниятда дин душманларининг афсонавий қудратлари ва кўз кўриб, қулоқ эшитмаган ноёб услублари ҳақидаги хабарларни гапириб юришади. Афсуски, бу яхши ниятлар кўпинча аро йўлда қолиб, "қимматли" маълумотлар иймони заифларга акс таъсири кўрсатади.

Мусулмонлар қалбига ғулғула солиб, уларни караҳт аҳволга солишнинг нима кераги бор?! Бунинг таъсирида баъзи бировлар юраги така-пука бўлиб, ўнгуга сўлга ўн марталаб аланг-жаланг қараб олгандан кейингина зўрға бир ишга киришади. Ишини бир амаллаб якунлаб олганидан кейин ҳам чумчук пир этса, юраги шир этар даражада саросима ичида юради.

Юқоридагидек муболағали маълумотларни тарқатиб юриш Ислом аҳлининг маънавиятини сўндириб, ёшларнинг тарбиясига салбий таъсири кўрсатади, уларни довюрак, мард, Аллоҳ йўлида ҳеч нарсадан тап тортмайдиган илғор ва жасур ўғлонлар қилиб тарбиялаш ўрнига, ўзининг соясидан қўрқадиган, довдир ва лапашанг кимсаларга айлантириб қўяди. Бир инсоннинг эзгу амаллар қилиб, дин йўлида жиҳод қилиб, илм олиб, таълим бериб, инфоқ-эҳсонлар қилиб, яхшилик ва тақво йўлида ҳамкорлик қилиб, кўзга тушиб қолиши ё ҳар қандай кўринишдаги озор ёки тазиيққа дучор бўлиши, шубҳасиз, булатнинг барчасидан саломат бўлиб, ҳеч қандай амал қилмай юришидан яхшироқдир.

Зўравонлиқда тенги йўқ Фиръавн ўз замонидаги мўъминларни камситиб: "**Булар шубҳасиз, озгина тўдадир. Булар бизга ашаддий душманлардир!**" - деб айтарди. (Шўро сураси, 54-55-оятлар). Ҳа, у мана шундай манмансираған эди. Лекин Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло унинг тадбирини барбод этиб, ёвуз тузумини ағдариб ташлади. Бани Исроилдан бўлган заиф бечораларни эса пешволарга айлантирди, уларни ер юзига ҳоким қилди. Фиръавн ва унинг тўдасига улар қўрқиб юрган нарсани рўпара қилди.

Аллоҳ таолонинг бу диктаторга ишлатган катта бир макри шу бўлдики, Фиръавн ва унинг қонхўр режимига қарши кўзғалган ҳаракатнинг етакчиси унинг кўз ўнгидаги саройида тарбия топди. Ҳикматли Парвардигор бу билан **ишларнинг тадбири** Оқ уй, Конгресс, Олий Мажлис ёки бошқа бир зўравоннинг қўлида эмас, балки осмонда эканлигини одамларга яққол кўрсатиб қўйди. Демак, чинакам бошқарув осмонда экан.

**"Сизларнинг ризқингиз ва сизлар ваъда қилинаётган нарса осмондадир".** (Зориёт сураси, 22-оят).

Инсонлар эса нимжонгина асбоблар, холос. Аллоҳ таоло уларнинг қўли орқали йози хоҳлаган нарсаларни ижро этади. Қачон ваҳима, гумон ва ҳадиксирашдан қутулиб, ўзимизни эркин ҳис қиласиз? Афсуски, қанчадан-қанча даъват ва эзгу ишлар фурсатини хавф-хатар, кузатув ва тазийклар баҳонасида қўлдан бой бердик.

## Иzzат ва күч-күдрат аллоҳникидир

Баъзи бир одамлар: "Эх, фалончининг кўзига тушиб қолдим, у менинг диндорлигимни билиб қолди, энди албатта мени тинч қўймайди", деб, қилиб юрган ишларини йиғиштириб қўяди. Фалончида ақл бор бўлса, ахир сендаям ақл бор. Аллоҳ таоло ҳамма ақлни кофиру мунофиқлар ва хавфсизлик хизматларига бериб қўймаган-ку! Балки Ислом аҳлининг ақл-идроки ҳамма инсонлар ақл-идрокидан ўткирроқ ва теранроқ ҳисобланади. Чунки уларнинг ақллари ваҳй ва иймон нури билан ёришиб туради, Аллоҳнинг Ўзи уларни тўғри йўлга солиб, тавфиқ беради. Нима учун энди "мусулмонлар ҳеч нарсага ақли етмайдиган лақма, довдир бўлади, уларнинг устларидан кулиб, эрмак қилса бўлаверади", деган фикр пайдо бўлиши керак? Жон биродар, кўнглингизни тўқ, ўзингизни эркин тутиб иймон ва ишонч билан ҳаракатга тушинг, амалга киришинг, сиз хато ишни ёки ҳаром амални қилаётганингиз йўқ-ку! Биз бу билан эҳтиёт чоралари ва тадбир билан иш қилишни қоралаётганимиз йўқ, албатта ҳар бир ҳаракат тадбир ва таваккул асосида бўлиши керак, бу суннат. Душманни ғафлатда қолдириш, ибодатларда хотиржам бўлиш, мўъминлар орасида ихтилофларнинг келиб чиқмаслиги, сафларнинг изчиллиги, ҳаракатларнинг давомий бўлишлиги, душманга сир бермаслик, уларнинг заиф томонлари-ю, сирларини ўрганишлиқ ва шунга ўхшаш кўп ишларда ва хусусан жиҳодий ҳаракатларда зарур эҳтиёт чоралари ҳийла-тадбирларни ишга солишилик Пайғамбаримиз соллалоҳу алайҳи васаллам ва салафи солиҳийнларнинг суннатларидандир. Аммо биз айтмоқчи бўлган нарса душмандан эҳтиёт бўламан деб қилиб турган ёки қилмоқчи

бўлган ҳаракатларни бутунлай тўхтатиб қўйишдир. Албатта бу мазаммат қилинадиган, ёмон ишлардандир.

Гиёхвандлик билан шуғулланадиган- ларга бир қаранг, улар шариатга зид, қонун ва жамиятга қарши, оилавий ҳаёт ва фитратга тескари, умуман ҳамма нарсага қарама-қарши бўлган бир иш билан шуғулланишади. Шунга қарамай, бу ишлар ривожланиб, тобора тармоқ отиб бораяпти. ҲХттоки үларнинг изига тушиб, үларга қарши кураш олиб бораётгандар ҳам "уларни буткул йўқ қилиб юборишнинг иложи йўқ", деб, салкам умидсизликка тушиб қолишаяпти. Айрим давлатларда гиёхвандларга ўлимга қадар бўлган энг қаттиқ жазолар қўлланаётган бўлса ҳам, улар озаймаяпти. Уларни кўрасиз, баъзилари қамоққа тушади, жазоланади, яна шу иш билан қамоққа қайтади, бошида калтаклар синади, барибир бу разил ишидан орқага қайтмайди...

Бу ишлар И мом Аҳмад замонларидағи бир ўғрининг сўзларини эсга солади. Зиндондаги маҳбуслар ҳар қачон эшик очилганда янги меҳмон ким эканлигига қизиқиб, тўпланиб олишар, чапак чалиб, хохолаб кутиб олишарди. Бир гал эшик очилади-ю, ароқхўр ёки киссавур ўрнига чеҳрасида иймон нури балқиб турган, ишонч ва таваккули шундоққина намоён булиб турган бир вазмин киши кириб келади. Маҳбуслар бир-бирларидан: "Бу ким бўлди?!" деб сўраб қолишади. Бу Аҳли сунна имоми И мом Аҳмад раҳимахуллоҳ эдилар. Шунда ҳатто фосиқлар ҳам: "Аллоҳга қасамки, бу одамнинг бизнинг устимиизда ҳаққи бор", деб юборадилар. Улардан бири И мом Аҳмад олдиларига келади ва қулоқларига

## **Иzzat va күч-құдрат аллоҳницидир**

пичирлайди: "Эй Ахмад, мен ўн дирҳам туфайли ўн марта қамалғанман: ўғрилик қиласын, қамаласын, кейин чиқып яна шу ишимни қиласын. Сенга дарра урилиши ҳеч нарса эмас. Бор-йүғи бириңчи-иккінчи дарраларни сезасан, ундан кейин ҳеч нарса сезмай қоласан".

Биз ботил йұлларни таңлаган коммунистлар, илменийлар ва бошқа күфр ахларидан ўз эътиқодлари йўлида ўлдирилган, қамоққа ташланған, жуда үзоқ муддат "ўтириб чиққан", азият чеккан, қувилган, ит күнини бошидан кечирған, ҳамма имконият ва соғлигини йўқотиб, мол-мұлки-ю хуқуқларидан маҳрум бўлган одамларни биламиз. Ўзларига пайғамбарларни ўрнак тутган аҳли Исломлар даъват қилишади, Аллоҳ йўлида жиҳод қилишади, илм олишади, таълим беришади-да, сўнгра хеч қандай сўкиш эшлишмайди, мартабаларидан жудо бўлишмайди ва тазийқа учрашмайди деб ўйлайсизми?!

## **Ҳозирги кундаги баъзи ваҳима ва гумонлар**

Ҳозирги кунда мусулмонлар орасида тарқалған яна бир касаллик күч-құдрат ва азизликни Аллоҳ ва ислом аҳлида эмас, балки коғирлар томонда деб ўйлашлиқдир. Лекин Аллоҳ таоло айтадики:

**"Уларнинг (коғирларнинг) олдида иззат, күч-құдрат излайдиларми? Албатта иззат, күч-құдратнинг барчаси Аллоҳнинг ҳузуридадир."** (Нисо-139)

Бундай ярамас касалликка чалингандар ислом душманлари томонидан тарқатилган ҳеч бир ҳужжатсиз миш-мишларга ишониб қанчадан қанча қилиниши керак ва фарз бўлган амалларни тарк этадилар. Ўзлари тарк этганлари етмагандек бошқаларни ҳам бу шубҳа ва ваҳималарга тушириб гуноҳлари устига яна гуноҳ ортирадилар. Бунга мисол ҳозирги кунда моллари ва жонларини Аллоҳ йўлига тикиб, умматни зулм ва тажовуз чангалидан қутқариш учун қўлларига қурол олган уммат авангарdlари ҳақидаги таг-тусиз шубҳалардир. Эмишки улар яҳудий ва насоро маҳфий ташқилотларининг сиёсий ўйинларида иштирок этаётган мунофиқ ва ёлланма шахслармиш(Аллоҳ сақласин!). Энг қизиги шундаки бу сафсаларни уялмасдан тарқатиб юрганларга қарата бунга бирон бир далилингиз борми дейилса, улар бунга далил сифатида кофирларининг куч-қудрати, уларнинг 10 йиллик, 20 йиллик, балки 100 йиллик “бехато” режалари, макр ва ҳийаллари ҳақида лоф уришдан нарига ўта олмайдилар. Бу билан уларнинг ўзлари инсон ва жин шайтонларининг заиф ҳийла-найранглари домига тушиб қолаётгандарини англаб етмайдилар. Аллоҳ таоло уларнинг ҳийаллари заиф эканини эслатиб шундай дейди:

**“...Бас шайтоннинг дўстларига қарши (қитол) жанг қилинг.  
Албатта, шайтоннинг ҳийласи заифдир.” (Нисо-76)**

Яъни улар сиз ўйлаганчалик бутун дунё ва мўъминлар устидан тўла ҳукмронлик қиласиган даражада ҳийла-тадбирлар ишлаб чиқишига ва уларни амалда қўллашга қодир эмаслар. Хусусан

## Иzzат ва күч-күдрат аллоҳникидир

Аллоҳ таоло: “Албатта Аллоҳ ва Росулига иймон келтириб, сўнг бўнга шак-шубҳа қилмаган ва Аллоҳнинг йўлида моллари ва жонлари билан жиҳод қиласиганларгина (ҳақиқий) мўъмин-дирлар. Ва фақат уларгина содиқдирлар!”<sup>1</sup> деган маънода Қуръоннинг бир қанча оятларида уларни ҳақиқий содиқ мўъминлар деб сифатлаган уммат мужоҳидлари устида куфрнинг ҳийла тадбирлари ва ҳукмларига ҳеч қандай йўл йўқ эканини, уларни Аллоҳ Ўз ҳимоя ва ҳидоятига олганини қўйидаги оятлардан ҳам билиб олсак бўлади:

“Бизнинг йўлимизда жиҳод қиласиганларни албатта Ўз йўлимизга ҳидоят қилурмиз (яъни тўғри йўлни кўрсатурмиз)”

“Аллоҳ ҳаргиз кофирларга (ҳақиқий) мўъминлар устидан йўл бермас!” (Нисо-141).

Ибнул Қойим ёзадилар: “Кофирлар Ислом аҳли устидан тўла-тўқис ҳукмронлик қилиб турадилар, деган тушунчага келган киши Аллоҳ хусусида ёмон гумонга борган бўлади”.

Ибнул Қойим ёзадилар:

*“Инсон ўзининг ҳам, бошқаларнинг ҳам хоҳиш-ихтиёри Аллоҳ қўлида эканлигига ва У Зот Ўзи истаганидек тасарруф юритишига иймон келтирас экан, энди ҳеч қачон бандалардан кўрқмайди, умидвор бўлмайди ва уларни бирор нарсага*

<sup>1</sup> [Хужурот-15](#)

истаганча эгалик қилувчилар сифатида күрмайды. Аксинча, уларнинг ўзлари бўйсундириб қўйилган, карам инсонлар эканликларини кўради. Уларни ўзларидан бошқа зот бошқарадиган ва хоҳлаганича тасарруф қиласдиган кишилар эканликларини англайди. Ана шундан сўнг бу инсон бутун дарду дунёсини Парвардигоридан сўрайди. Ҳеч вақт ожиз бандалар қўлига тиқилмайди. Улардан қўрқиб, умидвор бўлиб юрмайди. Бундай мўминнинг тавҳиди ва таваккули комил бўлади. Ҳуд алаиҳиссаломнинг қавмига айтган сўзларини эсланг: "Менинг ҳам, сизларнинг ҳам Парвардигорингиз (бўлмиш) Аллоҳга таваккул этдим. Қимиirlаган жон борки, у (Аллоҳ) унинг кокилидан тутгувчиидир..."

Агар ваҳимачиларнинг ўзлари ҳақиқий мўъмин бўлганларида моллари ва жонларини Аллоҳ йўлига тикиб қўлларига қурол олган уммат авангардларини нифоқ ва куфр билан айблашдан олдин, уларни Қуръон ва Суннат тарозусида тортиб кўрсалар бўлмасмиди. Ахир мунофиқни мўъминдан, кофирни мусулмондан ажратиб олишимиз учун Қуръон ва Суннатда мукаммал кўрсатмалар мавжуд-ку! Аллоҳ ва Росулидан ҳам тўғрироқ сўзлагувчи ким бор. Улар агар қалбларига чин тақво билан қулоқ солганларида балки қалблари: "Йўқ ҳожам, улар Роббиларининг ҳақ йўлидадирлар. Фақат сиз улардай бўлишга тайёр эмассиз. Нафсингизга бу оғир келяпти, шайтоннинг дўстларидан кўрқаяпсиз. Сиз фақат ҳақ йўлдагиларни қоралаш билан ўзингизни оқламоқчисиз холос" – деган бўлармиди.

## Иzzат ва күч-құдрат аллоҳникидир

Яна бир нарсаки, Аллоҳ күч-құдрат ва иззатнинг ҳақиқий соҳибларини ҳам бизга жуда аниқ баён қилди:

**“Холбуки, иззат (күч-құдрат) фақат Аллоҳники, Росулиники ва мұымынларникидир. Лекин мунофиқлар (буни) билмайдилар.”**  
(Мунофиқун-8)

Аллоҳ таоло бу оятларда иззат ва күч-құдратни фақат мана шуларгагина хослади. Иззатни бундан бошқалар тарафда күришликтен эса мунофиқликнинг аломатларидан деб айтди. Бу оятта қилинган тағсирларда айтилишича, айнан иззатни бошқаларда күришликтен билан, инсоннинг қалбига бириңчи бор мунофиқлик уруғи тушади ва бу баъзи маъсиятлар туғайли күкариб, қалбни әгаллайды. Ҳақиқий мұымынлар эса иззатни фақат Аллоҳ тарафидан деб қаттиқ ишонишади. Бунга аввалги үмматлардан ҳам күп мисоллар келтириш мүмкін. Булардан бири Уұдуд асҳобларининг мисолидир. Уұдуд асҳоблари ёниб турған ўра томонға тоғұт аскарлари томонидан ҳайдалаётган ва биттабитта ташланғанда үзларидан олдин ўрага ташланған мусулмонларнинг ёниб қора күмирға айланғаннини күриб түриб ҳам иззат ва күч-құдратни фақат Аллоҳ тарафида эканлигига заррача шубҳа қилишмади ва иймонларида сабитқадам бўлишди. Ҳозирги пайтдаги баъзи иймони заиф мусулмонлар эса үмматнинг ҳозирги аянчли аҳволини күриб, иззат ва құдратни шайтоннинг малайлари бўлмиш коғирлар тарафда күриб қолиши ва ўзлари сезмаган ҳолда қалбларига нифоқ уруғини тушириб қўймоқдалар.

Эй ваҳима ва ёмон гумонларга тушиб қолган биродар! Сизга қўйидаги насиҳатларни бермоқчиман. Фақат эътибор қилинг бу насиҳатлар менинг шахсий фикрларим эмас, балки бутун борлиқнинг тарбияткунандаси Аллоҳ ва Унинг танлаган пайғамбарининг насиҳатларидир. Аллоҳ таоло шундай дейди:

**“Бирор нарса ҳақида тортишиб қолсангиз, Агар Аллоҳга ва охират кунига иймон келтирган бўлсангиз (яъни иймонингиз бўлса) уни (тортишувни) Аллоҳга ва пайғамбарга қайтаринг!** (Нисо-59)

“Қачонки уларга эминлик ва хавф тўғрисида бир иш—хабар етса, уни тарқатиб юборурлар. Агар уни Пайғамбарга ва ўзларидан бўлган ишбошиларга ҳавола қилганларида эди, улардан иш негизини биладиганлари уни англаб етган бўлар эдилар. Аллоҳнинг фазли ва марҳамати бўлмаганида, озгинангиздан бошқангиз шайтонга эргашиб кетардингиз.

Аллоҳнинг йўлида (қитол) жанг қил! Ўзингдан бошқадан масъул қилинмассан. Мўъминларни қизиқтириш. Шояд, Аллоҳ коғирларнинг шиддатини даф қилса.” (Нисо-83-84)

Баъзи кишилар бирор хабарни эшлишилари билан ҳамма ёққа тарқатишга шошиладилар. Бундан исломга фойда борми зарар борми—ўйлаб ўтирамайдилар. Оқибатда душманлар “совуқ уруш” (қуролсиз уруш) деб номланган қабоҷатни ишга солиб, турли

## Иzzat va күч-күдрат аллоҳникидир

---

ёлғонларни тұқиб, мусулмонлар ичида ғұлғула ва ихтилофларни тарқатадилар.

Пайғамбаримиз соллалоху алайҳи васаллам айтгандиларки:  
**“Кишининг ёлғончилигига әшитган нарасасини гапиравериши кифоя қиласы”** (Мұслим)

Агар мусулмонлар ўз динларига амал қылсалар, бундай лақмалик, нодонлик қымас әдилар. Чунки ислом ҳұмми бүйіча әшитган гапни тарқатавериш мүмкін әмас. Балки оятнинг давомида келганидек: **Аллоҳнинг йўлида (қитол) жанг қил! Ўзингдан бошқадан масъул қилинмассан. Мұъминларни қизиқтириш. Шояд, Аллоҳ коғирларнинг шиддатини даф қилса.** “(Тағсирдан)

Пайғамбаримиз соллалоху алайҳи васаллам марҳамат қиласидар:

**(Мұъминлар ҳақида) ёмон гумондан сақланинглар, чунки ёмон гумон ёлғоннинг каттасидир”**

Эй вахима ва ёмон гумонларга тушиб қолған биродар! Ёмон гумонингиз сизнинг ҳалокатингизга сабабчи бўлмасин! Мұъминларни куфрга нисбатлашлик, шу баҳона фарзи айн бўлган ибодатни тарқ этишлик ҳалокат әмасми!? Шуни яхши билингки сиз қарши бўлсангиз ҳам, ёки лоақал ёрдам бермасангиз ҳам сиз барибир моллари ва жонларини Аллоҳ йўлига тикиб,

маломатчининг маломатидан қўрқмай, умматни зулм ва тажовуз чангалидан қутқариш учун жанг қилаётгандарга зарар етказа олмассиз. Пайғамбаримиз соллалоҳу алайҳи васаллам марҳамат қиласдилар:

*“...Умматимдан бир тоифаси Қиёматга қадар ҳақ устида туриб, ғолиб бўлган ҳолларида (يقاتلون) курашда давом этадилар. Уларга қаршилик кўрсатувчилар ҳам, қийин пайтда ёрдамсиз қолдириб ўзини четга олганлар ҳам уларга зиён келтиромайди...”*

### **Жаннат арzon эмас**

Кимки жаннат йўлини истаса, яхшилаб йўл тадоригини кўриб олсин, ана шунда иши енгил кўчади. Шу йўлга отланган бўлсангиз, ҳар нарсага синиб, букилиб қоладиган нимжон, мўрт бўлманг, йўқса манзилга етолмай қоласиз. Жаннат йўлини Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам шундай сифатлаганлар: **“Жаннат ёқимсиз нарсалар билан ўралган, дўзах эса хоҳишистаклар билан ўралган”**. Шу йўлда экансиз, гоҳо сизга ака-укаларингиз ёки жуфти ҳалолингиз томонидан танқид ё эътиrozлар келиб қолади. Улар буни сизга хавотир олганларидан ё аҳволингизга ачингандаридан ё йўлингиздан қайтармоқчи бўлганларидан ёки тушунмасликдан қилишади. Биродарлар, мана шундай синовлар қарисида осойишталикни либос қилиб кийиб олишимиз, вазминликни ўзимизга қалқон қилиб олишимиз лозим бўлади. Аслини олганда булар - оддий, лекин бизнинг даражамизга лойиқ

## Иzzат ва күч-күдрат аллоҳникидир

синовлар. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтганларки:  
*"Киши иймони даражасига яраша синовга дучор бўлади".*

Модомики, бизга мана шундай синовлар келаётган экан, шунга лойиқ бардам бўлиб турайлик. Банданинг иймони кучайгани сайин, унинг кучлироқ имтиҳонга рўпара бўлишини билган эканмиз, синовлардан лаззатланишни ҳам ўрганайлик. Бошимиздан ўтказган синовларни эса мақтаниб гапириш билан савобларимизни кўкка совурмайлик.

Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло Ислом ва унинг аҳлига нусрат берсин, ularning душманларини хору зор этсин. Бизларни ихлос ва шижаот билан меҳнат қиласиган ғайратли дин ёрдамчилари ва посbonлари қилсин!